

БУГУНГИ КУНДА ХОТИН - ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тажиева Дилноз Баҳодировна

ДБА мустақил изланувчиси,

О'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими мудир.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22374188>

Аннотация. Мақолада хотин-қизларни ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига таъриф берилиб, Ўзбекистонда хотин - қизларни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаоллиги самарадорлигини оширишнинг инновацион моделлари таҳлил қилинган. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар, вазифалар ҳамда янгиланаётган Ўзбекистонда аёлларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки тўғрисида тушунтириб берилган.

Аннотация. В статье описываются вопросы повышения общественной и политической активности женщин и анализируются инновационные модели повышения эффективности социальной, политической и экономической активности женщин и девушек в Узбекистане. Разъясняются условия, задачи и участие женщин в политической жизни общества в модернизирующемся Узбекистане в целях повышения общественно-политической и общественной активности женщин, реализации их способностей и возможностей в различных областях и отраслях.

Abstract. The article describes the issues of increasing the social and political activity of women and analyzes the innovative models of increasing the effectiveness of the social, political and economic activity of women and girls in Uzbekistan. The conditions, tasks, and the participation of women in the political life of the society in modernizing Uzbekistan are explained in order to increase the socio-political and social activity of women, to realize their abilities and opportunities in various fields and industries.

Калим сўзлари: Хотин, қизлар, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, гендер тенглик, форум, БМТ, Ўзбекистон, ижтимоий ҳимоя, социал, тазйиқ, зўравонлик, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, фармон, жамият.

Кириш. Юртимизда меҳнаткаш, олижаноб халқимиз, биринчи навбатда, хотин-қизларимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг энг устувор вазифаси этиб белгиланган. Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Натижа. Сиёсий фаоллик кишиларнинг онгли сиёсий фаолияти ва сиёсий жараёнларнинг боришини белгилар экан, унда жамиятнинг ҳар бир аъзосининг давлатда амалга оширилаётган сиёсий ишларда фаоллик билан иштирок этишини тақозо этади.

Бинобарин, жамиятдаги сиёсий фаоллик инсонларнинг эркинликлари, демократик тамойилларнинг таъминланиши билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

2023 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг бой салоҳиятидан фойдаланиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида уларнинг имкониятларини рўёбга чиқаришда тажриба алмашиш бўйича Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш ҳақидаги таклифни билдирган эди.

Хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этиши бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида қайд этилди.

“Миллий сиёсатимиз марказида турадиган энг эзгу мақсад – оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат”, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Шунга асосан 2024 йил 13-14 май кунлари Самарқанд вилоятида "Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув" мавзусида Осиё хотин-қизлари форуми бўлиб ўтди. “Бугунги анжуман натижасида қабул қилинадиган Самарқанд декларацияси асосида келгусида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Осиё хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюциясининг қабул қилиниши барчамизнинг бу борадаги эзгу интилишларимизнинг ёрқин амалий ифодаси бўлади”, [1] — дея қайд этган Президент табрикда.

Форумда 30 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан нуфузли меҳмонлар – Шарқий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари парламентларининг аёл аъзолари, ҳукуматлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамда хорижий ташкилотларнинг 40 нафардан ортиқ вакиллари, шунингдек, маҳаллий давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, аёл раҳбарлар, ишбилармон аёллар, сиёсатшунослар, ижтимоий соҳа фаоллари, олимлар, иқтисодиёт тармоқлари ва турли соҳаларнинг жами 400 га яқин вакиллари ҳамда фаол хотин-қизлар иштирок этди. Хотин-қизларнинг манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш ва оилалар мустаҳкамлиги масалалари сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётида, муҳим қарорлар қабул қилинишида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли равишда кенгайиб борапти. Қисқа давр ичида соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси шакллантирилди, сўнгги 7 йилда 90 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги бунга ёрқин мисолдир.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги муҳим қонунлар қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди.

Гендер тенглик сиёсатини тўғри йўлга қўйиш ва уни тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар мўлжалланган гендер стратегияси қабул қилинди.

Уни барча соҳа ва тармоқларга жорий этиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш борасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тадқиқот мавзуларини белгилашда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

Иккинчидан, хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган илмий-амалий конференциялар ва социологик сўровномалар ўтказиш муҳим аҳамият касб этди;

Учинчидан, хотин-қизларга сиёсий партияга аъзо бўлиш имкониятини ошириш учун турли хил интерактив хизматлар имкониятидан фойдаланиш. Ҳар бир сиёсий партиялар “аёллар қанот”лари фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган лойиҳа ва тадбирлар кўламини кенгайтириши мақсадга мувофиқ.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш вазифалардан бири сифатида белгиланган [2].

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги дейилганда улар томонидан, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англаш, унинг манфаатини ҳимоя қилиш, ўз билими, дунёқараши ва интеллектуал салоҳиятини доимий ошириб боришни тушунамиз. “Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бўйича ўтказилган охириги ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини қайд этган. Ушбу сўровда қатнашган 81,5 фоиз респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларга ҳалақит бермайди” [3].

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини рўёбга чиқаришнинг асосий шартларидан бири, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги эркин ва ижодий иштироки ҳамда унинг аниқ мақсадга йўналтирилиши билан белгиланади.

Бу эса қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

- аёллар ўртасида инсон капиталини ҳар томонлама юксалтириш;
- хотин-қизларнинг ижтимоий онглилик даражасини юксалтириш;
- “ҳар бир оила-тадбиркор” умуммиллий ҳаракатида хотин-қизларнинг ўрнини ошириш, мустақил тадбиркорлик фаолиятида ўзлигини намоён этиш имкониятларини кенгайтириш;
- аёллар ўртасида соғлом ижтимоий-маънавий мусобақа муҳитини яратиш;
- жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлардан узлуксиз хабардорлигини таъминлаш;

- давлатнинг хотин-қизларга доир сиёсатининг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини тушуниб боришга кўмаклашиш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалари ривожда аёллар иштирокини кўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш [4].

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масаласини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги мотивларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу мотивлар қуйидагилардан иборат:

- оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлай олиш;
- оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;
- фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш;
- кенг дунёқараш, замонавий билим ва кўникмаларга эга малакали раҳбар бўлиш;
- давлат сиёсати ва мафкурасини чуқур билган ҳолда ўз фаолиятини халқ манфаатини ҳимоя қилишга тўғри йўналтира олиш;
- ижтимоий-сиёсий онги етук бўлиши;
- тадбиркор, ташаббускор, замонавий илҳор ғояларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш.

Янгиланаётган Ўзбекистонда аёлларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки муҳим роль ўйнайди. Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилган.

Жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини муҳофаза қилиш ва уларнинг оиладаги ва умуман жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий асослар шакллантирилган. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари йўқ қилиш ҳақида”ги [5], Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги [6], “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги [7] конвенциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бир қатор қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган:

- 2018 йил 2 февралда “Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди;
- 2019 йил 7 мартда “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди;
- 2019 йил 2 сентябрида “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги [8] Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

Амалга оширилган юқоридаги ишлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йил 23 сентябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида Президентимиз Ш. Мирзиёев нутқ сўзлаб нутқида гендер масаласига алоҳида эътибор қаратди “биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди” [9], деб мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни назарда тутди.

Ҳозирги даврда дунёнинг барча мамлакатларида аёллар сиёсат бобида тенг ҳуқуқлилика эришиб, парламентда салмоқли ўринларни эгаллашмоқдалар. Айниқса, парламентларда аёллар роли ошганини кўриш мумкин. Масалан, Швеция, Эстония ва бошқа Европа давлатлари парламентларида аёллар кўпчиликти ташкил қилиши билан ажралиб туради. Бироқ, Африкадаги Руанда мамлакатининг парламенти депутатлари ичида хотин-қизларнинг сони бу борада бутун Европани ортда қолдиради. Ушбу давлат парламентининг 48,8 % ини хотин-қизлар банд этган. Ундан кейин Швеция 45 %, Дания 40 %ни ташкил қилади [10]. Мазкур кўрсаткичларнинг ўзиёқ дунёда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда фаоллашаётганлигини кўрсатмоқда. Булардан ташқари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 5 та сиёсий партия, яъни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Адолат СДП, Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси фаолият кўрсатмоқда. Бу сиёсий партияларининг барчасида “Аёллар қаноти” фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий мақсади партия аъзолари бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишларини таъминлаш, уларда фаол фуқаролик қарашларини ривожлантириш, шахс сифатида шаклланишлари ва ўзларининг имкониятларини рўёбга чиқаришларига, хотин-қизларнинг келгуси сайловларда кўпчилик ўринларни эгаллашларига кўмаклашиш ҳисобланади.

Аёлларнинг сайловда иштирокини, партияларга бўлган муносабати доимий ўрганиб борилади. Сайловлар арафасида аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган “Хотин-қизлар ва сиёсат”, “Хотин-қизлар фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг роли”, “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик қобилиятларини шакллантиришнинг долзарб вазифалари”, мавзуларида семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда хотин-қизлар давлат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишмоқда, амалга оширилаётган ислохотлар хотин-қизларимизни ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши учун зарур имкониятларни яратган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Президент табриги Осиё хотин-қизлари форумига бағишлаб 2024 йил.

2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг 22.06.2019 йилдаги 20-ялпи мажлисидаги нутқи.
4. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели. Социодискурсив таҳлил Танзила Норбоева. Тошкент 2020 йил.
5. Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. <https://www.lex.uz/ru/docs/2685528>.
6. Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция. <https://lex.uz/docs/2747578>.
7. Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 111-КОНВЕНЦИЯ. Женева, 1958 йил 25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 499-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган. https://nrm.uz/contentf?doc=150688_
8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида», 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг онлайн форматда ўтаётган 75-сессиясидаги нутқи. <https://daryo.uz/k/2020/09/23/shavkat-mirziyoyev-bmt-bosh-assambleyasining-onlayn-formatda-otayotgan-75-sessiyasida-nutq-sozladi>.
10. Мухитдинова Ф. Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий фанларнинг ўрни // Ўзбекистонда политологиянинг янги босқичи. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2022.